



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 11 июль, № 141 (7371)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУҒУРТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев
10 июль куни суғурта хизматлари
бозорини ривожлантириш
масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Суғурта хизматлари иқтисодийётни турли хил молиявий хатарлардан химоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигадаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири — суғурта хизматлари етарли даражада жозибдор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда миқозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50 — 60 фоиздир.

Йиғилишда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилди.

Соҳага назоратчи эмас, илгор ва замонавий стандартларни жорий этилган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис ушбу инспекцияни тугатиб, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этиш таклиф қилинди. Мутасаддиларга суғурта соҳасини ўрта ва узоқ мuddати ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилди.

Аввало, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага ишончини ошириш зарурлиги таъкидланди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта давво-ларини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳоdisасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисmini давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларида чиқишини таъминлаш, илгор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларидан ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари бунга пухта тайёргарлик кўриш, тиббий хизматларнинг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш кераклигини таъкидлади.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмуриятчилиги самардорлигини ошириш, солиқ юкини изчил камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ ҳисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши натижа-сида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юки камайтирилди, айланма маблаглардан олинadиган солиқлар оптималлаштирилди, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни бекор қилиш ва юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини камайтириш орқали солиқ тизимини қайта кўриб чиқилди.

Солиқ тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётда хуфийёна айланманни қисқартириш ва Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларини амалга ошириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликни тан олиб, давлат солиқ хизмати органларининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кун мuddат ичида молиявий жарималарни ихтиёрий равишда тўласа, тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар мазкур ҳуқуқбузарлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

қўшилган қиймат солиғини тўлашга

ўтадиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат солиқ хизмати органларида ушбу солиқнинг тўловчиси сифатида мажбурий ҳисобга олинади ва бу қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳисобга олишининг шарти ҳисобланади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтишда ушбу солиқ суммаси қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтилган санадан аввалги охириги 12 ойда харид қилинган товар-моддий заҳираларнинг тасдиқланган қолдиқлари бўйича реализация ҳажмига мос келадиган улушда ҳисобга олинади;

қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиш ёки ягона солиқ тўловини тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарнома қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтиладиган ой бошланишидан олдин ўн иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

3. Қуйидагилар:

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки, “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Давлат солиқ қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтларининг маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси:

а) уч ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

чет эл фуқаролари томонидан Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтишда харид қилинган товарлар учун тўланган қўшилган қиймат солиғини қайтариш (“tax free”) тартибини белгилаш;

солиқлар бўйича тўловларни кейинчалик бўлиб-бўлиб фоизи билан қайтариш орқали камайтиришни назарда тутувчи “инвестициявий солиқ кредитлари” институтини жорий этиш;

солиқ тўловчи — юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор унга нисбатан қўланилган молиявий жарималар тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб, қўлланилган молиявий жарималар миқдорининг 50 фоизини ўн кун давомида ихтиёрий равишда тўлаганда, уни жарима суммасининг қолган қисmini тўлашдан озод этиш бўйича молиявий жарималарни ундиришнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш;

юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ солишини соддалаштирилган тартибини қўллаш мақсадида ялпи тушумнинг чегаравий миқдорини сунъий пасайтиришга қаратилган хатти-харажатларга (бўлиниш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва бошқалар) чек қўйиш чораларини кўриш, мазкур ҳолатлар аниқланганда тўланиши лозим бўлган солиқлар суммасига давлат солиқ хизмати органлари томонидан тузатиш киритиш ва уларни суд тартибидан ундириш механизмларини жорий этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга-

ликда 2019 йил 1 декабрга қадар бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида реал вақт режимида маълумотлар алмашиш имконини берадиган, солиқ ҳисоботини топшириш тизими билан интеграция қилинган бухгалтерия ҳисобининг ягона ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда уч ой мuddатда “UzTrans” ягона интерактив ахборот тизими базасида қуйидагиларни таъминлайдиган “Юк ташишлар мониторинги” ахборот платформасини (кейинги ўринларда — Ахборот платформаси) ишлаб чиқишни таъминласин;

юк ташувчилар томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини (счёт-фактура (инвойс), юк хати ва бошқа ҳужжатларни) рўйхатдан ўтказиш;

юк жўнатувчилар ва уни қабул қилиб олувчилар томонидан реал вақт режимида товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб: Ягона ахборот тизимидан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти ушбу дастурий маҳсулотни қўллаган даврда текширилмайди;

юк ташувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан товарнинг кузатув ҳужжатларини Ахборот платформасида мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилади.

(Давоми 2-бетда).



ДУНЁ НИГОҲИ

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар оқимида «портлаш эффекти» юз берди

Юртимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида кечаётган кенг қўламли ўзгаришлар хориж матбуотида илиқ кутиб олинмоқда.



“Бугунги кунда Ўзбекистон ўтмиш сарқитларидан халос бўлиб, янги тараққиёт йўлидан бормоқда”. “South China Morning Post” газетасида (Хитой) чоп қилинган мақола шу жумла билан бошланади.

Газетада эътироф қилинишича, Президент Шавкат Мирзиёев ўтмишда йўл қўйилган хатоларни бартараф этиб, қўллаб-таъкидларга учраган таққилларни бекор қилди, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир қатор амалий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этаётир. Айниқса, республика-

нинг халқаро майдондаги имижига тубдан ўзгариб, унинг қўшни давлатлар билан алоқалари яхшиланди. Натижада иқтисодий модернизация ва либерализация жараёнлари изчил кечгани ҳолда, мамлакатга хорижий сармоялар оқимида “портлаш эффекти” юз берди. Республиканинг барча ҳудуди бугун улкан қурилиш майдонига айланди, ҳамма жойда янгидан-янги сонаот корхоналари, савдо ва кўнгилочар марказлар ҳамда бошқа турли объектлар бунёд этилмоқда. Аҳоли фаровонлиги юксалиши ва харид қобилиятининг ортishi мамлакатда ички ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажмининг бир неча баробар ўсишига сабаб бўлди.

“Open Democracy” электрон порталида (АҚШ) Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини химоя қилиш борасида кечаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида мақола чоп этилди. Таҳлилчи Дарина Солод (Darina Solod) 2016 йили Шавкат Мирзиёев Президент лавозимига сайлангандан сўнг мамлакатда бу йўналишда кенг қўламли чора-



тадбирлар бошлангани, жумладан, қатор қонун ва қарорлар қабул қилинганини ёздади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда имзоланган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий асоси бўлди. “Ҳужжатда аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки билан боғлиқ мавжуд вазият кескин танқид қилиниб, Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти тубдан ислоҳ этилиши кўзда тутилади”, дея ёзилади “Open Democracy”да.



Сайёҳлик салоҳияти:

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛМОҚДА

Самарқанд шахрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Туризм кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳамда

МДХ мамлакатларининг I туристик ярмаркаси якунига етди.

Халқаро рейтинг агентликларининг эътирофи эйтишча, Ўзбекистон туризм индустрияси жадал ривожланаётган давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти неҳоятда юқори бўлиб, ундан тўлақонли фойдаланиш учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Инфратузилмани ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига 20 дан зиёд имтиёз ва енгилликлар тақдим этилгани, жаҳоннинг 65 давлати фуқаролари учун визасиз тизим жорий қилингани сайёҳлар оқими қўлайишида муҳим омил бўляпти.

Дарҳақиқат, ўтган йили соҳада энг муҳим кўрсаткичлар икки баробар ўсгани кузатилди. Хорижлик сайёҳлар сони 2,6 миллиондан 5,3 миллион нафарга етган бўлса, туристик хизматлар экспорти 546 миллион АҚШ долларидан 1 миллиард

40 миллион АҚШ долларига ўсди. Жорий йилнинг дастлабки беш ойида юртимизга ташриф буюрган чет эллик туристлар сони 31 фоиз кўпайган.

Нуфузли тадбирларнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А. Аккуловнинг айтишича, ушбу кўрсаткичлар янада ортishi кутилмоқда. Чўнки олиб борилаётган тадқиқотлар, ижтимоий сўровлар натижалари Ўзбекистонга келиш истагидаги хорижлик сайёҳлар қўлпўлини тасдиқлаётир. Хусусан, шу йилнинг май ойида ўтказилган сўровда МДХ мамлакатлари туристларининг 70 фоизи оилавий ёки гуруҳлар билан Ўзбекистонга келишини, Самарқанд шаҳрида 2 — 4 кун саёҳат қилмоқчи эканлигини билдирган.



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И
СОЛИҚ
МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР
ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда:

хўжалик юритувчи субъектларни давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин;

онлайн назорат-касса машиналари чеклари билан тасдиқланган харажатлар бўйича жисмоний шахсларга даромад, мол-мулк ва ер солиқлари бўйича чегирмалар бериш ёки чекларда кўрсатилган қўшилган қиймат солиғининг бир қисmini қайтариб бериш тартибини жорий этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) 2020 йил 1 январдан бошлаб:

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги (KPI) кўрсаткичларидан келиб чиқиб, уларни моддий рағбатлантириш, хизматда лавозимини ошириш, мукофотлаш, интизомий чоралар қўллаш тизимини жорий этсин;

Савдо-саноат палатаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан биргаликда инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш мақсадида **“Чекни талаб қил ва совга ютиб ол” оммавий акциялари** ўтказилишини ташкил этсин;

г) Стратегияни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин ҳамда Стратегияни амалга ошириш доирасида оммавий ахборот воситалари, илмий доира ва хорижий экспертлар, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этган ҳолда жойларда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманларини ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 10 июль	

Янгилик

Мамлакатимиздаги энг йирик
автомобиль бозори иш бошлади

АНДИЖОН вилоятининг Хўжаобод туманидаги Хидирша қишлоғида мамлакатимиздаги энг катта автомобиль бозори иш бошлади.



— 8 гектардан иборат бозорнинг 6 гектарини автомобиль сотиш майдони ташкил этади, — дейди вилоят бозорлари ва савдо комплекслари уюшмаси раиси Хотамжон Мамарасулов. — Бир вақтнинг ўзига 4 мингдан ортиқ транспорт воситаларини қамраб олиш қувватига эга. Харидорлар учун 150 та эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланувчи дўкон, тамадхонхона ва устаконалар хизмати йўлга қўйилган. Шу ернинг ўзига “Андижон автотехизмат” АЖ автосалонидан янги машина сотиб олиш имконияти ҳам яратилган.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛА ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИ ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИГА
КИРМАЙДИГАН ИШЛАРНИ БАЖАРМАЙДИ

Маҳалланинг ҳаётимизда тутган ўрни тобора ўқсалиб бораётган бўлса-да, жойларда бу халқлик институти нисбатан ҳали-ҳамон эътиборсизлик ҳолатлари борлиғи ачинарлидир. Хусусан, мамлакатимиздаги мавжуд 9093 фуқаролар йиғинининг 4 мингга яқини ўз биносига эга эмас.

Тошкент шаҳрида Фуқароларнинг ўзини ўзи

Фармон ва ижро

бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан ташкил этилган брифингда Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида қилинаётган ишлар, жумладан, фуқаролар йиғинларига яратиб берилётган шарт-шароит ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Аввало, Фармон маҳалланинг жамият бошқарувидagi ўрни ва фаолияти самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинлари ишини ташкил этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, соҳага малакали, катта тажрибага эга, фидойи кадрларни жалб этиш бобида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани ташкилданди.

Парламент ҳаёти

ҚЎМИТАЛАР ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ

Миллий матбуот марказида **Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг** жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти ва келгуси режаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидланганидек, шу йилнинг январь — июнь ойларида қўмита томонидан фан ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, таълим соҳасини такомиллаштиришга доир мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда камчиликларни бар-тароф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш йўналишида самарали фаолият олиб борилди.

Хусусан, ҳисобот даврида қўмитанинг 8 та мажлиси ўтказилиб, уларда 25 та масала, шу жумладан, битта қонун кўриб чиқилди. “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа ҳужжатлар муҳокама-си бўйича қўмита ҳулосалари берилди.

Ўтган давр мобайнида фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳа-ларини ривожлантириш масалала-рини ҳал этишда ўзининг назо-рат-таҳлил ваколатларидан самарали фойдаланиб, бир қатор на-зорат тадбирлари, анжуманлар

ўтказди. Сайловчилар, шунинг-дек, жисмоний ва юридик шахс-ларнинг манфаатлари билан бо-лиқ масалалар юзасидан 14 та парламент ва сенатор сўрови юборилди.

Қолаверса, умумтаълим мактаб-лари дарсликларининг давлат таъ-лим стандартлари талаблари асо-сида тайёрланиши ҳолатини ўрганиб, Бош вазирнинг ўринбосари-га, шунингдек, тадбиркорлик фао-лиятини амалга оширишда аҳоли санитария-эпидемиологик осойиш-талигини таъминлаш масалалари-ни ўрганиш юзасидан Бош вази-р га парламент сўрови юборилди.

Ҳисобот даврида Мурувват ва Саховат уйларида яшайдиган но-гиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар ҳолати тан-қидий кўриб чиқилди ва йўл қўйил-ган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кайд этилганидек, қўмита аъзо-лари фаолиятида сайловчилар би-

лан учрашиш, жисмоний ва юри-дик шахслар муурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим вазифалардан бири. Жумладан, ҳисобот даврида қўмита аъзоларининг сайловчилар билан 181 учрашуви ўтказилди, 2090 на-фар фуқаро қабул қилинди, жами 2558 нафар кишининг мууро-жаати кўриб чиқилди ва тегишли вазирлик ҳамда идораларга юбо-рилди.

Анжуманда, шунингдек, қўмита олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритилди. Жумладан, асосий эътибор Президентимиз-нинг парламент оқори палатаси йиғирманчи ялпи мажлисида сўзла-ган нутқида белгиланган устувор вазифаларга қаратилади. Бундан ташқари, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг олий таълим тизимида ижро этилишини ўрганиш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалик-ни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш бора-сида амалга оширилган ишлар тўғрисида мамлакатимиз Бош ва-зир и ўринбосарининг ахлоқини эшитиш каби тадбирлар белгилан-ганлиги қайд этилди.

Худди шунингдек, **Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг** жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти ва истиқболдаги режаларига доир анжуман ҳам ўтказилди.

Маълумотларга кўра, ҳисобот даврида қўмита аъзолари томони-дан аҳоли билан мунтазам ва уз-вий мулоқотни йўлга қўйиш, шу асосда тараққиётимизнинг янги босқичида белгиланган вазифа-ларни изчил бажариш йўналиши-да фаол ишлар олиб борилди.

Қўмита ўз фаолиятида ёшлар-га оид давлат сиёсатининг барча йўналишини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган дастур ва ҳужжатлар ижросини таъминлаш-га алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, “Yoshlar — kelaajimiz” Давлат дастурининг Самарқанд ви-лоятидаги ижроси ўрганилди, бу борада амалга оширилган ишлар танқидий кўриб чиқилди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиб, мутасадди идораларга юборилди.

Бундан ташқари, ҳисобот дав-рида 2017 — 2021 йилларда Ўзе-бекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўнали-ши бўйича Ҳаракатлар стратегия-

сини “Фаол инвестициялар ва иж-тимоий ривожланиш йили”да амал-га оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашга ҳам ало-ҳида эътибор қаратилди. Бу бора-да ўтказилган ўрганишлар давоми-да амалга оширилган ишлар би-лан бирга, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилгани аниқланди.

Дастурда қайд қилинган вази-фалар ижросини таъминлашда ва-зирлик ва идоралар фаолиятига нисбатан талабчанликнинг сустли-ги оқибатида белгиланган айрим чора-тадбирлар муддатидан кеч бажарилаётгани аниқланиб, барча муаммони бартараф этиш юзаси-дан қўмита томонидан тайёрлан-ган таклифлар Сенатнинг тегишли қарорига акс эттирилди. Шунинг-дек, тадбирда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ҳам сўз юритилиб, зарур чора-тад-бирлар белгилангани қайд этилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Ғамхўрлик

Кучли ижтимоий
сиёсат

Фарғона вилоятида аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органларининг бевосита амалий ёрдами билан 3466 нафар фуқароннинг ишга жойлаштирилиши таъминланган.

Эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўналишида ҳам ишлар тизимили ташкил этилиб, асосий эътибор уларга на-фақат моддий ва маънавий кўмак бериш, балки турмуш шароитини янада яхшилаш ҳамда даромадини ошириш-га қаратилмоқда.

Бугунги кунга қадар кўрсатилган амалий ёрдам-лар натижасида вилоят про-курори секторидagi 1622 та оила кам таъминланганлик тоифасидан чиқарилди.

Масалан, вилоят проку-рори секторидagi кам таъ-минланган оилаларнинг 1516 нафар ишсиз аъзоси ишга жойлаштирилди, 1193 нафарига маиший тех-никалар берилди, 74 нафа-рининг уй-жойи таъмирлан-ди, 129 та оиланинг томор-қаларида иссиқхона қуриб берилди, 266 та оилга товук, жўжа, қурка ва беда-на, 163 тасига қорамол ҳамда қўй тарқатилди, 153 та оиланинг воёга етмаган фарзандлари имтиёзли тарз-да мактабгача таълим муас-сасасига жойлаштирилди.

Элёржон ЭХСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Биз ва жаҳон

ПАРИЖДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИ
ТЎҚИМАЧИЛИК ҚОРХОНАЛАРИ
ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Парижда Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси ташаббуси билан Наманган вилоятидаги йирик тўқимачилик қорхоналарининг тақдими ўтказилди.

Тадбирда вилоятдаги уч қорхона — “Истиқлол тек-стиль дизайн”, “Текстиль либос” масъулияти чек-ланган жамиятлари ҳамда “Чуст текстиль” хусусий қорхонаси ўз маҳсулотла-рини намойиш қилди.

Тақдимотга ташриф бу-юрган Франциянинг бир қатор савдо ва ишлаб чи-қариш компаниялари, Па-риж мода академияси ва-киллари миллий маҳсулот-ларимиз билан яқиндан танишдилар. Уларни, ай-ниқса, Наманганда тики-лаётган эркаклар костюм-шилари ва бошқа трико-таж маҳсулотларининг бе-жиримлиги қизиқтириб қўйди.

— Франция — Наманган иқтисодий муносабатлари ўрнатилганига кўп бўлга-ни йўқ, шунга қарамай, жорий йилнинг ўтган дав-рида 580 минг АҚШ дол-лари атрофида товар ай-ланмаси амалга оширил-

ди, — дейди вилоят инвес-тициялар ва савдо бош-қармаси бош мутахассиси Асрорбек Ҳайдаров. — Мазкур давлатга биринчи-лар қаторида экспорт амалиётини йўлга қўйган “Чуст текстиль” хусусий қорхонаси ўтган ойда 105,4 минг доллар қий-матдаги трикотаж махсу-лотларини хорижлик ҳам-корларига юборди. Чуст-лик трикотажчилар йил охирига қадар бу кўрсат-кичга 600 минг долларга етказиш бўйича шартнома имзолашган.

Тақдимот жараёнида Франция компаниялари мутасаддилари Наманган текстиль қорхоналари би-лан савдо-иқтисодий ало-қаларни янада кенгайти-риш юзасидан ўз таклиф-ларини билдирдилар.

Қудратилла
НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

хатчи лавозимлари жорий этилди.

✓ 2019 йил 1 июндан бошлаб фуқаро-лар йиғинлари ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-лари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйи-ча туман [шаҳар] кенгашлари раислори-нинг биринчи ўринбосарлари томонидан амалга оширилмоқда.

✓ Фуқаролар йиғинлари раислари ва масъул котиблари ойлик иш ҳоқи фонди жорий йилда 1,5 баравар оширилдиган бўлди.

✓ Тизим фаолиятига қонунга хилоф ра-

вишда аралашганлик, фуқаролар йиғини қарорларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ҳамда йиғин раиси фаолияти қаволатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи янги таҳрирдаги **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”**ги қонун лойи-ҳаси ишлаб чиқилди ҳамда Вазирлар Маҳ-камасига киритилди.

✓ Тизимда меҳнат қилаётган шахслар фаолиятини **рейтинг баҳолаш мезон-лари асосида рағбатлантириш тар-тиби** ишлаб чиқилди.

Тадбирда қайд этилганидек, Фармонда Қорақалпоғис-тон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари фойда-ланиб келаётган давлат мулки бўлган биноларни ер майдо-ни билан биргаликда хатловдан ўтказиш ва уларни фуқаро-лар йиғинларига мулк ҳуқуқи асосида бериш билан боғлиқ чора-тадбирлар қўзда тутилган бўлиб, ушбу йўналишда му-айян ишлар амалга оширилмоқда.

Брифингда, шунингдек, Фармон ижроси доирасида олиб борилаётган бошқа саъй-ҳаракатлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Шу пайтга қадар:

➔ **9 093 та** фуқаролар йиғини бинолари хатловдан ўтказилди.

➔ **2 146 та** фуқаролар йиғини биноларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди ва мулк ҳуқуқи берилди.

➔ **5399 та** фуқаролар йиғини биносини кадастрдан ўтказиш ва расмийлаштириш, таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида жой-лашган **1548 та** фуқаролар йиғинини бино билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, **309 та** фуқаролар йиғини биноси таъмирланди, **89 таси** реконструкция қилинди, **146 таси** янги қурилди ҳамда **79 та** “Маҳалла маркази” барпо этилди.



2017 йил 20 — 22 декабрь кунлари икки томонлама ҳамкорлик тариҳида илб бор парламентимиз раҳбари — Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши Торағаси Д. Жумабековнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи парламентлараро ўзаро алоқалари фаоллаштиришга туртки берди. Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Сенат Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери билан учрашувлар бўлиб ўтди. Икки томонлама парламентлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” имзоланди, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида

давлат бош вазирлари шафелигида Фарғона ва Ўшда бўлиб ўтди. Бишкек ва Тошкент, Ўш ва Андижон, Жалолобод ва Наманган, Баткен ва Фарғона ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожлантириш. Ишбилармонлик гуруҳлари ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, қўшма корхоналар очилаётир, ҳамкорликда бизнес-форумлар, сессиялар ва махсулотлар кўргазмалари ўтказилмоқда. Янги йўловчи авиа ҳамда авто ва темир йўл йўналишлари очилди, ўзаро сайёҳлар оқими сезиларли тарзда ошди.

Маданий-гуманитар алмашинув ҳам фаоллашди. Ўтган йили Қирғиз

лари рўйхатида сақлаб қолиш масаласида Ўзбекистонни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш” ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияларини қўллаб-қувватлади, ҳаммуаллифга айланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Қирғизистоннинг Марказий Осиёда ўзаро муаммолари бўйича БМТ Резолюциясини янгилаш юзасидан ташаббусини, Халқаро электр алоқа иттифоқи сайловида Қирғизистон номзодини қўллаб-қувватлади.

субъектлари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро махсулот ва хизматлар етказиб бериш учун максимал қулай шaroитлар яратиш, чегара ҳудудларида савдони қўллаб-қувватлашга қўмак беришни ҳам қамраб олади.

— **Сиз дипломат учун ноодатий биографияга эгасиз. Композиторлар иттифоқи аъзоси, Қирғизистон халқ артисти, педагогика фанлари номзодисиз, иккита чакирикда парламент депутати бўлгансиз, ўз юртингизда маданият вазирини ҳамда Бош вазир ўринбосарини лавозимларида ишлагансиз, Қирғизистоннинг Туркиядаги дипломатик ваколатхонасини**

— Ўзбекистон бой маданий мероси билан машхур. Бу минглаб туристларни ўзига жалб этади. Сайёҳлик тармоғи, жумладан, зиёрат туризмининг янада ривожлантириш учун изчил қадамлар ташланмоқда. Мамлакатимиз яна нимаси билан Қирғизистон фуқароларини ўзига жалб этиши мумкин?

— Мамлакатларимиз ўртасида туризм соҳасида ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. Аввало, биз яқин кўшниларимиз. Қўллаб қирғизистонликларнинг Ўзбекистонда қариндошлари ва дўстлари бор. Шунинг учун ватандошларимизнинг қўшни республикага ташрифи буюришдан қўзлаган максадларидан бири қариндошларини бориб кўришдир. Қўллаб қирғизистонликлар Ўзбекистон олий таълим муассасаларида тахсил олган, собиқ иттифоқ даврида турли институтларда малака ошириш курсларида ўқиган.

Қариндошлик ришталаридан ташқари Ўзбекистоннинг бой маданий мероси тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Тарихий шаҳарлар ва меъморий ёдгорликларни кўришни истоган қирғизистонлик туристлар сони ҳам кўнаймоқда. Зеро, бу жойларда атоқли инсонлар яшаб ижод қилишган, дунё илим-фан тарихи ва маданиятида ўлмас из қолдиришган. Қирғизистон Республикаси Маданият, ахборот ва туризм вазирлиги туризм департаменти маълумотларига кўра, 2018 йилда Ўзбекистонга Қирғизистоннинг 3 206 830 фуқароси ташриф буюрган, ўз навбатида, Қирғизистонга 3 295 804 нафар ўзбекистонлик борган. Географик жойлашув, тўғридан-тўғри авиа ва автобус қатновлари мавжудлиги туризм раванқи учун жуда қулай шaroит яратди.

— **Сухбатимиз якунида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг истикболи ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.**

— Бунгача қайд этиб ўтганимдек, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 26 йил бўлди. Аслида халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи ўзгача араларга бориб тақалади. Бизнинг ўтмишимиз, бугунимиз ва албатта, келажакимиз муштарак. Биз умумий тарихий ва маданий ришталар билан боғланган икки қардош халқимиз.

Ўзаро муносабатларнинг янада юксалишида икки давлат ташқи сиёсат идоралари мумкин ва масъул мувофиқлаштирувчи роль ўйнашини таъкидлашни истардим. Жорий йилда Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўзининг 75 йиллигини нишонлади. Ўтплаган тажриба мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, Саиджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар оқимида «портлаш эффекти» юз берди



Фармонга биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятига асос солиниб, унга оила институтини мустақамлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши масалаларини комплекс ўрганиш, давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ҳамда муаммолари оилаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш сингари вазифалар юклатилди. Республикада Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилгани, мамлакат бўйлаб “аёллар маслаҳатхоналари” ва “тезкор алоқа” йўлга қўйилгани америкалик шарҳовчилар томонидан юқори баҳоланган.

Ўқувчилари қонунчилик соҳасидаги сўнгги янгиликлар билан таништирган экан, мутахассис “Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани ва у кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтганини таъкидлайди. Мазкур ҳужжатда гендер тенглиги тушунчасига алоҳида эътибор қаратилиб, унинг маъномазмуни очиб берилган, турлари, ваколатли органларнинг вазифа ва функциялари, аёллар ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик механизмлари белгилаб қўйилган.

“Мena FN” ахборот агентлиги (БAA) томонидан тайёрланган репортаж Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги долзарб муаммо бўлиши давлатлараро чегаралар масаласини ҳал қилишида эришган ютуқларидир.

Ўзбекистонда туризм соҳасида икки давлат ташқи сиёсат идоралари мумкин ва масъул мувофиқлаштирувчи роль ўйнашини таъкидлашни истардим. Жорий йилда Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўзининг 75 йиллигини нишонлади. Ўтплаган тажриба мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.

Ўзаро муносабатларнинг янада юксалишида икки давлат ташқи сиёсат идоралари мумкин ва масъул мувофиқлаштирувчи роль ўйнашини таъкидлашни истардим. Жорий йилда Қирғизистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўзининг 75 йиллигини нишонлади. Ўтплаган тажриба мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонаман.



га бағишланган. Жумладан, яқинда Ўзбекистон — Қозоғистон демаркация қўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтгани маълум қилинди. Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўзбек дипломатияси, араб журналистларининг фикрича, сўнгги уч йил мобайнида минтақада 25 йил “ёниб келган” муам

яниг сайёҳлик махсулотларини ишлаб чиқиш ва оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Айниқса, виза ва рўйхат олиш жараёнларининг соддалашуви, валюта айирбошлаш соҳасининг эркинлаштирилиши қўллаб меҳмонлар учун ниҳоятда мақбул қарор бўлгани эътироф этилади.

“Республикада сайёҳлар оқимини ошириш, чет эллик индивидуал сайёҳларга қулайлик яратиш, саёҳат таассуротларини эслаб қолиш ва воҳанинг туристик манзилларида эътиборини ошириш мақсадида Ўзбекистон музейлари бўйлаб виртуал саёҳат қилиш имкони яратилди. Хусусан, яқиндан бошлаб “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхонасини хорижликлар ўз ватанида туриб ҳам айланшилари мумкин. Бу борада махсус мобил илова ишлаб чиқилиб, ундан музейдаги 12 тарихий обида, туристик объект ва бир қанча музейлар ҳақида ўзбек, инглиз, рус, қозоқ, корейс ва француз тилларида маълумот олишлари мумкин. Ушбу янгилик бошқа маданият муассасаларида ҳам хорий қилиниши кўтилаётир”, деб ёзилади нашрда.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Илмий тадқиқот масалалари муҳокамаси

Инновацион ривожланиш вазирлигида Хитой Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Томонлар турли экинлари (бугдой, пахта, мойли экинлар, сабзавот ва мевалар) етиштириш бўйича ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилишди. Музокаралар натижасида Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси ўртасида англашув меморандуми имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, ХХР Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси 1957 йилда ташкил этилган бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги ва техникаси соҳасидаги етакчи илмий-илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Тизим 42 та тадқиқот институтини ҳамда нашриёт уйини ўзида бirlaштирган. Академияда 4 минг талаба таълим олади, 68 та илмий-техник журнал нашр этилади.

«Халқ сўзи».

Косонсойдаги 800 ёшли чинор кесилгани йўқ

Ижтимоий тармоқларда Косонсой шахри марказидаги улкан чинор дарахти кесилаётгани, маҳаллий аҳоли бунга қарши бўлса-да, раҳбарлар эътибор қаратмаётгани ҳақидаги хабар муҳокама мавзусига айланди.

Аслида туман маданият ва истироҳат боғида ўсётган саккиз юз ёшли ушбу чинорнинг қуриб қолган шохи олиб ташланган, холос. Гап шундаки, боғдаги катта ҳовуз ўртиндаги кеска дарахт тўрт шохдан иборат бўлиб, бири қуриган ва атрофдагилар учун хавф туғдираётган эди. Боғни таъмирлаш чоғида айна масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Косонсойликлар ушбу чинорни ноёб ёдгор-

лик сифатида қадрлашади, — дейди “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Наманган вилояти бўлинмаси раҳбари Бекзод Ҳамдамов. — Дарахтнинг қуриган шохларигина олиб ташланган. Дарахт муҳофазаси кучайтирилиб, парвариши яхшиланади, тарихи битилган махсус тахтача ўрнатилади.

Н. ҚУДРАТОВ.

Акс садо

Газетамизининг жорий йил 9 июль сониди Эълон қилинган “Транспорт инфратузилмаси ва сайёҳлик: соғлом рақобатга нима тўсқинлик қилапти?” сарлавҳали мақолада тизим фаолиятида учраётган айрим камчиликлар хусусида сўз юритилган эди. Ушбу масалага “O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” АЖ томонидан қуйидагича муносабат билдирилди.

«O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi» АЖ: йўловчилар учун ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ЧОРАЛАРИ КўРИЛМОҚДА

“O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi” акциядорлик жамияти томонидан йўловчиларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида қабул қилинган концепцияга мувофиқ, вагонларни янгилаш, замонавий вокзаллар қуриб, фойдаланишга топшириш, соҳага ахборот технологиялари ва инновацион юғяларни татбиқ этиш, янги йўналишларни очиш ҳамда йўловчи поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш бўйича босқичма-босқич ишлар амалга оширилмоқда. Йўловчиларга чипта харид қилишда замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш мақсадида жорий йилнинг сентябрида такомиллаштирилган чипталарни электрон тарзда сотиб олиш тизими ишга туширилади. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Германия давлатининг “Deutsche Bahn” компанияси билан йўловчи ташинида ушбу давлат таърибасидан фойдаланган ҳолда, жамиятнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш,

логистика соҳасини ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш борасида ҳамкорлик ишлари олиб боришмоқда. 2018 йилда 22 миллион йўловчи ташилган бўлса, 2019 йилнинг ўтган 6 ойида 12 миллион нафардан ошиб йўловчилар ўз манзилига етказиб қўйилди. Ҳозирги кунда барча халқаро йўналишларга 55 фойизгача чеғирмалар тақдим этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, халқаро йўловчи ташини келишувига асосан, халқаро йўловчи поездларининг чипта нархларини ўрнатиш, поезд қайси давлатники эканлигига қараб, шу мамлакатнинг темир йўл маъмурияти томонидан белгиланади.

Маҳаллий йўналишларда ҳаракатланадиган поездлар чипта нархларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда ўрнатилади.



“Олмаота — Тошкент” халқаро йўловчи поездининг Ўзбекистон ҳудудида ўрнатилган чипта нархлари Қозоғистон Республикаси томонидан белгиланади ва назорат олиб борилади. Ушбу поезднинг чипта нархлари ҳақидаги эътирозлар юзасидан қўшни Қозоғистон билан музокаралар бошланган ва яқин кунларда масала ўз ечимини топади.

Темир йўл чиптахоналарида фуқароларга кўрсатилаётган сервис хизматлари устидан назорат ўрнатиш ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқармаси ходимларидан иборат махсус комиссия тузилган бўлиб, ушбу комиссия томонидан тегишли ишлар олиб боришмоқда, камчиликлар доимий равишда ўрганилиб, тегишли чоралар қўриляпти.

«O‘ztemiryo‘lyo‘lovchi» АЖ.



Сайёҳлик салоҳияти:

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ОЧИЛМОҚДА

◀1

Шу маънода, МДХ Туризм кенгашининг навбатдаги йиғилиши айнан Самарқанд шаҳрида ўтказилгани, унинг доирасида МДХ мамлакатларининг I туристик ярмаркаси ташкил этилгани бежиз эмас, албатта. Бинобарин, у МДХга аъзо мамлакатларнинг туристик салоҳияти билан яқин-

дан танишиш, туризм секторининг муҳим трендлари ва янгиликларини алмашиш, туризм ташкилотлари ҳамда бизнес вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатилган учун қулай бизнес майдони вази-сини ўтади.

Ярмарка доирасида “МДХ давлатларида туризм ва минтақавий ҳамкорлик: янги қақирувлар ва

имкониятлар” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар ҳам бўлиб ўтди.

Икки кунлик тадбир қўтилганидек, ишчан руҳда кечди ва ўта самарали бўлди. Унинг доирасида юртимиз ҳамда МДХ мамлакатлари туристик компаниялари ўртасида 54 та шартнома ва битим имзолангани бунинг ақол исботидир.



Амшер ИСРОИЛОВ (ў.А) олган суратлар.

Сўз — иштирокчиларга

Владимир ГЕВОРГЯНЬ,
“Vizit Armenia” сайёҳлик компанияси директори:

— Ўзбекистон яқин истиқболда сайёҳларнинг энг сеvimли масканига айланади. У ўзига хос маданияти, урф-одатлари билан ҳаммани ўзига жалб этмоқда. Арманистон аҳолисининг жуда кўпчилиги юртингизга келиш, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз каби шаҳарларни кўришни хошлайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Ереван билан Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, биз Москва орқали келдик.

Ярмарка доирасида маҳаллий турфирмалар билан ахборот алмашдик, ҳамкорлик бўйича шартномалар туздик.

Наталья ЗВЕНИГОРОДСКАЯ,
“Машиностроитель” санаторийси вакили:

— Назаримда Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида мустақам туристик кўприк пайдо бўляпти. Бу томонлар учун бирдек манфаатли. Масалан, биз экотуризм йўналишида ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Ўзбекистон сайёҳликнинг ушбу жабҳасида катта табиий имкониятга эга эканлиги, чет эллик инвесторлар учун барча шарт-шароит яратиб берилганлиги бизни хурсанд қилди.

Ўйлайманки, тез орада қўшма лойиҳаларни амалга ошираемиз.

Нозима АРИПОВА,
Тошкент шаҳридаги “Traveltur” туристик фирмаси вакили:

— Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Туризм кенгашининг навбатдаги йиғилиши ҳамда МДХ мамлакатларининг I туристик ярмаркаси Самарқанд шаҳрида ўтказилгани юртимиз тадбиркорлари, айниқса, туроператорлар учун катта имконият бўлди. Сабаби, унинг доирасида ўз хизматларимизни тақдим этдик, чет давлатлардан келган туроператорлар “B2B” форматда мулоқот қилиб, Россия ва Тожикистон компаниялари билан амалий келишувларга эришдик.

Умид СОРИЕВ
«Халқ сўзи».



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 263/2018-08-сонли шартномага асосан <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 25 июль** куни ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Сурхондарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Умумий босиб ўтган масофа	Лот рақами
1.	«YAZ 3151210»	1996	75 047 CAA	389 562	0084516
2.	«Volkswagen»	1996	75 979 GAA	322 584	0084508
3.	«Volkswagen»	1996	75 289 VAA	328 758	0084510
4.	«GA3 31029»	1996	75 049 DAA	431 897	0084517
5.	«DAMAS»	1999	75 087 CAA	581 773	0084512
6.	«YAZ 31514»	1997	75 722 OAA	410 587	0084515
7.	«NEXIA»	1997	75 064 CAA	628 563	0084511
8.	«NEXIA»	1998	75 736 AAA	735 385	0084509
9.	«YAZ 3909»	1998	75 042 EAA	432 899	0084514
10.	«YAZ 39091»	1998	75 039 EAA	519 248	0084513

Автотранспортлар сақланаётган манзил:
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 7-«А» уй.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар **Занжирли экскаваторлар**

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар **Экскаватор-юклагичлар** **Автогрейдерлар** **Катоклар**

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзгариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй.
(Мўлжал: «Турон» автосалони).

Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратурасида ўқиш истагида бўлган талабгорлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратурасига
2019/2020 ўқув йили учун талабгорлар қабул қилинади.

Магистратурага қабул қилиш фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланган қабул квоталарига мувофиқ, давлат грантлари асосида амалга оширилади.

Судьялар олий мактаби магистратурасига 2019/2020 ўқув йилида жами 60 нафар талабгор қабул қилинади, шу жумладан:

- фуқаролик ишлари бўйича — 15 (ўн беш) ўрин;
- жиноят ишлари бўйича — 15 (ўн беш) ўрин;
- иқтисодий — 15 (ўн беш) ўрин;
- маъмурий — 15 (ўн беш) ўрин.

Магистратурага номзодлар жорий йилнинг 25 июлига қадар Судьялар олий мактаби қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- 1) магистратура мутахассислиги ва ихтисослиги номи кўрсатилган ҳолда, Судьялар олий мактаби директори номига ариза;
- 2) олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унга илова;
- 3) 3,5 x 4,5 см. ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар тақдим этилиши жараёнида талабгорлар паспортини шахсан кўрсатадилар.

Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 15 августидан 25 августига қадар мутахассислик фанларидан (тест) ва чет тилидан (тест) синовлар ҳамда ҳуқуқий мавзуда ёзма иш (иншо) тарзида ўтказилади.

Магистратурага кириш синови умумий баллари қуйидагилардан ташкил топади:

- талабгорлар мутахассислик бўйича тест топширишади (50 балл) ҳамда иншо ёзишади (50 балл).
- Мутахассислик бўйича умумий балл 100 ни ташкил этади;
- талабгорлар чет тили фани бўйича тест топширади (50 балл).

Миллий сертификат ёки халқаро сертификатнинг қуйидаги даражаларига эга бўлган талабгорларга чет тили фанидан синовларсиз максимал балл берилади:

- инглиз тили учун — миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5.5), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- немис тили учун — миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- француз тили учун — миллий сертификат ёки Diplome d'Etudes en Langue Francaise (DELFI), Test de Connaissance du Francais (TCF) халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- бошқа тиллар учун — миллий сертификат ёки халқаро синов тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори.

Судьялар олий мактаби магистратурасида ўқитиш давлат тилида амалга оширилади. Ўқиш муддати сентябрь ойидан бошланадиган 1 (бир) ўқув йилини ташкил этади.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар юзасидан қабул комиссиясига

71-273-72-29 телефон рақами орқали боғланган ҳолда батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй.
www.sudyalariolykengashi.uz

Қабул комиссияси.

«TOSHKENT METALLKONSTRUKSIYA» МЧЖ

малакали ва иш ўрганишга иштиёқи бўлган мутахассисларни танлов асосида қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишга қабул қилади:

1. Яримавтоматик машиналарда электропай-вандчи — 4 ўрин.
2. Металл қурилмаларни йиғиш бўйича чилан-гар — 4 ўрин.
3. Пармаловчи — 5 ўрин.
4. Газда кесувчи — 3 ўрин.
5. Совуқ металлни кесувчи — 1 ўрин.
6. Фрезаловчи — 1 ўрин.
7. Стропалчи — 1 ўрин.
8. Тайёр маҳсулотни топширувчи — 1 ўрин.

Корхонамизда мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича шароитлар ҳам мавжуд.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жаркўрган кўчаси, 22-«А» уй.
Маълумот учун телефон: 94-693-55-88. E-mail: tmkonstruksiya@gmail.com

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси Қўмита аъзоси Рашид Пирматовга отаси **Хусан ПИРМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 427 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6